



Гулбадан бегим Захириддин Мухаммад Бобуршоҳнинг Дилдор бегим номли хотинидан тугилган учинчи кизидир. Гулбадан бегим 1523 йили Кобулда тугилган. Унинг онаси Дилдор бегимнинг хакикий исми — Солиха Султон бегим бўлиб, Захириддин Мухаммад Бобур Мирзонинг амакиси Султон Махмуд Мирзонинг кизи эди. Гулбадан бегим отаси Бобур подшоҳнинг фармониغا кўра катта онаси, яъни Хумоюн Мирзонинг онаси — Мохим бегим кўлида тарбияланади. Мохим бегим Бобур подшоҳнинг энг севикли катта хотини, хукмдорнинг хотинлари орасида энг окила ва билимдони эди. Бинобарин, 1525 йили Гулбадан бегимни Мохим бегим ўз тарбиясига олади. Гулбадан бегим ҳар иккала онасини ҳам самимий эъзозлаган. У ўз асарида онасини «Дилдор бегим» деб, Мохим бегимни эса «онам хазратлари» деб тилга олади.

Гулбадан бегим 1529 йилгача Кобулда яшайди. Бобур Хиндистонни қўлга киритгач, Мохим бегим билан бирга подшоҳ отасининг хузурига—Аграга боради. Отаси Бобур вафотидан сўнг, акаси Хумоюн подшоҳ саройида яшайди. 1539 йилда Гулбадан бегимни Хизр Хўжаҳонга турмушга чиқарадилар. У бир ўғил кўради, исмини Саодатёр деб атайдилар. 1556 йили Хумоюн подшоҳ вафотидан сўнг салтанат тахтига унинг ўғли Жалолоддин Акбаршоҳ (1542—1605) ўтиргач, шохнинг онаси Хамида бону билан Гулбадан бегим саройга — Дехлига кайтиб келадилар. Ана шундан сўнг, Гулбадан бегим то умрининг охиригача жияни Акбар подшоҳ саройида яшайди.

Гулбадан бегим ўз замонасининг окила, донишманд аёлларидан эди. У жияни Жалолоддин Акбар подшоҳнинг «Фирдавс макон ва жаннат ошён Хазрат хақидаги воқеалардан нимаики билсангиз, ёзингиз»,— деган ишорасига мувофиқ, «Хумоюннома» номли ажойиб ва муҳим тарихий асарини ёзишга киришади. «Хумоюннома» Бобур подшоҳ билан Хумоюн подшоҳнинг хаёт тарзи ва саргузаштларининг мухтасар тарихи бўлиб, мантиқан «Бобурнома»нинг давомидир. Бу асарнинг муҳимлиги яна шундаки, «Бобурнома» асаридаги айрим воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари мукамал очиб берилади.

Гулбадан бегим ўз асарида сарой ахлининг хаёт тарзи, шунингдек, тарихий асарларда учрамайдиган Бобур подшоҳ хонадонининг нозик хусусиятлари, оилавий шароитлари, тўй ва аза билан боғлиқ удумлар, уй-рўзгор асбоблари, кийим-кечак турлари каби жихозлар хақида муфассал хикоя килади. Аммо, афсуски, асарнинг охириги қисми ўша замоннинг суронли йилларида йўқолиб кетган.

Мир Маҳди Мирзонинг «Тазкират ул-хавотин» асарида келтирилган «Севгисиз хаётда маъно йўк» мазмунидаги икки байтига караганда, Гулбадан бегимнинг газалиётдан ҳам хабари бўлган.

«Акбарнома» асарининг муаллифи Абул Фазлнинг берган маълумотига караганда, 1575

йилда Гулбадан бегим Каъбатулло зиёратига жўнаб кетади ва 1582 йилда қўп кийинчиликлар билан зиёратгоҳдан қайтиб келади. Абул Фазлнинг ёзишича, Гулбадан бегим 1603 йилда 80 ёшида вафот этади. Акбар подшоҳ уни катта хурмат ва эҳтиром билан дафн этдиради. Акбар подшоҳнинг ўзи Гулбадан бегим тобутини ўгил сифатида кўтариб, дафн маросимида ўгиллик бурчини эътимомига етказади.

Тургун Файзиев